Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● №89 (20. 956) 1991 йил 11 май, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ТЎҒРИ ФУҚАРОЛИК АҲДИ

М. С. Горбачев Кремлда ёш армиячилар билан учрашди

9 май Ғалаба кунида Кремлнинг Георгий зали, Ватанимизнинг жанговар шоншуҳрати зали СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Бутуниттифоқ ёш армиячилар ҳаракати вакиллари билан учрашув жойи бўлди. Улар Москвага мамлакатимизнинг турли жумҳуриятларидан келишган.

Бу учрашувга Президент билан бирга СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР мудофаа вазири, Совет Иттифоқи Маршали Д. Т. Язов, СССР Президенти ҳузуридаги Мудофаа кенгаши раисининг ўринбосари О. Д. Бакланов, Бутуниттифоқ ёш армиячилар ҳаракатининг қўмондони генерал-лейтенант Г. Т. Береговой, бошқа ҳарбий бошлиқлар, давлат ва сиёсат арбоблари, уруш ветеранлари, жамоатчилик вакиллари келдилар. Р. М. Горбачева ҳам ҳозир бўлди.

Ҳаракат қатнашчилари ҳисобида кўпгина шонли ишлар бор, шу ҳаракат орқали болалар ва ўсмирларни тарбиялаш борасида жуда катта иш олиб борилмоқда. Совет халқининг жанговар шон-шуҳрати билан боғлиқ жойларга бориш, уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш, дом-дараксиз кетган ватан ҳимоячиларини излаш, жисмоний чиниқиш, кўпмиллатли мамлакатимизнинг тарихий ва маданий обидалари билан танишиш... Ёш армиячилар ана шу ва бошқа ишлари тўғрисида Президентга сўзлаб беришди.

Ҳаво десанти қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант П. С. Грачев ўз нутқида Георгий залига келган ёш авлод юксак ватанпарварлик туйғусини уйғотаётгани ҳақида гапирди.

Азиз дўстлар! — М. С. Горбачев ёш армиячиларга мурожаат қилди.

Мен сизларни Кремлдаги мана шу ажойиб залда, бутун Ватанимизнинг юрагида мамлакатнинг бутун раҳбарияти номидан ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан табриклайман. Сизларнинг уйларида қолган барча, айтиш мумкинки, полкдошларингизни ҳам табриклайман.

Сизнинг ҳаракатингиз ёш авлодимиз кайфиятини акс эттиради, бу авлод ўз Ватани учун хизмат қилишга тайёр ва давлат тақдири учун ўз масъулиятини англайди. Учрашув бугун, шундай шонли кунда ўтаётганлиги авлодларнинг давомийлигини таъкидламоқда.

Ҳа, халқимиз буюк ғалабани қўлга киритди, бу жуда қийинчилик билан қўлга киритилган оғир Ғалаба эди. Биз ҳаммамиз бу ғалаба билан фахрланамиз. Мен бу ерда аввало Улуғ Ватан уруши ветеранлари шанига айтилган ҳурмат ва миннатдорчилик сўзларига қўшиламан. Мен бу сўзларга тўла-тўкис қўшиламан ва 45-йил ғолибларини, фронтчиларни ва мамлакат ичкарисида ғалабага замин яратганларни сизлар билан биргаликда шарафлашдан ҳурсандман.

Ғалаба шундай қурбонларни, шу қадар зўр куч-ғайратни талаб қилдики, улар сиз билан бизнинг зиммамизга шу қурбонларни, ғалаба йўлидаги куч-ғайратларни ҳамиша ёдда тутиш вазифасини юклайди. Ҳеч кимда бизнинг кучимизни синаб кўришга иштиёқ пайдо бўлмаслиги учун ўз мамлакатимизни ҳимоя қилишга ҳамиша қодир бўлиб туриш вазифасини юклайди. Шу сабабли сизлар билан биргаликда бу ерда мудофаа вазирини, генераллар ва офицерларни ҳамда улар орқали Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини, бутун шонли Совет Армиямиз ва флотимизни табрикламоқчиман.

Оғир кунларда адолатли иш томонида турган кишиларни қадрлаш ҳамиша халқларимизга хос фазилат бўлиб келган. Бугун сизлар билан биргаликда муштарак буюк Ғалабамизга ўз ҳиссасини қўшган барча халқларнинг вакилларини эзгу сўзлар билан эслаб, гитлерчиларга қарши иттифоққа қўшилган барча халқларни, фашизмга қарши курашган барча соф ниятли кишиларни шу ердан, Кремлнинг Георгий залидан туриб табриклайман.

Азиз ёш дўстлар, Президент сифатида сизларга шуни айтмоқчиманки, қилаётган ишларингиз учун, аввало ветеранларга ғамхўрлигингиз учун, бизга шу ғалабани берган, яшаш, барпо этиш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва олға томон ҳаракат қилиш имкониятини берган одамларнинг жасорати тўғрисидаги хотирани сақлаб қолиш борасида қилаётган ишларингиз учун сизларга катта раҳмат.

Бу учрашувдан икки карра хурсандман, чунки бу ерда республикаларимизнинг, турли миллатларнинг вакиллари ўтиришибди. Бу яна бир муҳим яхши рамздир, дўстликнинг, жўн бўлмаган тарихимизнинг энг оғир, қаҳрамонона, лекин шу билан бирга фожиали бурилишларида ҳамиша бизга қўл келган ўша муқаддас ишнинг белгисидир. Бу дўстликни авайлаб сақланг, давом эттиринг.

Шу учрашувдан кейин дўстларингиз яна кўпайишини биламан, сизларни дўстларингиз кўпайиши билан ҳам табриклайман. Ҳаётда ёнингда содиқ дўстларинг борлигини ҳис этишдан кўра буюк нарса йўқ. Ана ўшанда ҳамма иш енгил кўчади. Шунинг учун ҳам сизларни табриклайман. Сиз, ёшлар, мамлакатимиздаги барча халқларнинг муносиб вакили эканлигингиз жуда муҳимдир. Чунки афсуски, баъзи етук, ҳатто жуда етук «амакилар» ва «холалар» фақат бундан олдинги ўн йилликлардаги эмас, балки юзлаб халқлар яшаётган шу мамлакатда асрлар давомида кўп авлодлар каби ўз халқининг муносиб вакили бўлишни ҳар доим ҳам уддалай олишмаяпти. Сиз асосий нарсани — биргаликда бўлиш лозимлигини тушуниб олгансиз, шунисига қойил. Бирбирингиз билан дўстлашинг. Мен сизларни шунга даъват этаман.

Қайта қуриш амалга оширилаётган буюк даврмизда (бу жўн давр эмас) биз учун меҳр-шафқат, эзгулик, ҳамфикрлик ва дахлдорлик зарур. Сиз амалга ошираётган ишлар сизларда айни шундай фазилатларни тарбиялайди. Сизлар ёшликдан қатнашаётган катта иш муваффақиятли давом эттирилишини тилайман. Ёш армиячилар байроғини маҳкам ушлаб баланд кўтариб бораверинг.

Энг муҳими эса, мен сизларнинг ҳаракатингизни болалар, ёш қалб эгалари ўзларига дўст топадиган, кўп янгиликларни ўрганадиган мураккаб тарихимизда авлодлар давомийлиги аҳамиятини англаб етиб, ҳаётда ўрнини ўзи топа оладиган ҳаракат деб ҳисоблайман.

Учрашувдан тоят мамнун бўлганлигимни айтиб, сизларни Кремлда яна бир бор қутлайман. Шу кунларни ҳамиша ёдингизда сақлаб қолишингизни истайман. Ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Учрашув эсдалик учун ёппасига суратга тушиш билан ниҳоясига етди.

(ТАСС).



ҒАЛАБАМИЗ БАЙРАМИ

Сочлари оқарган фахрийлар, меҳнат жамоаларининг, зиёлилар ва ёшларнинг вакиллари Улуғ Ватан уруши йилларида Ватанни ҳимоя қилиб ғалаба қозонган кишиларга ҳурмат бажо келтириш учун 9 май куни Тошкентдаги Ленин номли майдонга келдилар.

...Фахрий қоровул саф тортиб турибди. Ҳарбий оркестр садолари остида майдондаги Номаълум аскар қабрига гулчамбарлар қўйилди. Бу гулчамбарлар Узбекистон ССР Президенти, жумҳурият Олий Кенгаши, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кенгаши номидан қўйилди. Тошкент вилоят партия комитети ва Тошкент вилоят Совети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети, Узбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, жумҳурият Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети номидан ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Номаълум аскар қабрига гулчамбарлар қўйиш маросимида Узбекистон ССР Президенти, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Узбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Узбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг ва жумҳурият ҳукуматининг аъзолари қатнашдилар.

Болтиқбўйида жанг қилган Улуғ Ватан уруши ветерани А. П. Берлянд ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Муштарак ғалабамизнинг аҳамиятини тушунмайдиган ёки тушунишни хоҳламайдиган одамларнинг борлиги ачинарлидир. Совет Иттифоқи ягона давлат бўлиб қолиши ва у тағин ҳам қудратли бўлиши учун биз қийин йўлни босиб ўтдик. Бинобарин, ҳозир бирлигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш муҳимдир.

— Уруш вақтида мен кабель заводида ишлаганман,— деди меҳнат фахрийси К. Мирдадаев.— Ғалаба кунини яқинлаштириш учун вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилардик, мамлакатдаги ҳозирги тартибсизлик мени ажаблантиряпти. Биз ўзимизга митинглларда сафсата сотиш билан эмас, балки зўр бериб меҳнат қилиш орқали ёрдам бера оламиз.

Узбекистон ССР Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия илмгоҳининг илмий ходими О. Бобобеков фикри:

— Мен Афғонистонда бўлганман, уруш нималигини ўз кўзим билан кўрганман. Уруш ҳеч қачон, ҳеч қаерда такрорланмасин. Умумий хонадонимизни — Совет Иттифоқини айниқса низолардан сақлаш зарур. Ўз ишимизни яхши бажара олишимиз учун биз, ёшлар, ҳозир кўпроқ ўқиб ўрганишимиз керак.

Урушда олган жароҳатларидан Тошкент госпиталларида ҳалок бўлган жангчилар дафн этилган қабристон ҳам шу кун гавжум бўлди. Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар ва гуллар қўйилди. Жангчиларнинг қабрларига ҳам гуллар қўйилди.

В. И. Ленин номли майдонда, шаҳарнинг боғлари ва дам олиш зоналарида халқ сайли ярим кечагача давом этди. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг, артистларнинг чиқишлари, спорт мусобақалари одамларни мамнун қилди.

Тошкентда байрам Ғалаба куни шарафига берилган салют билан тугади.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

* * *

Узбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 46 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тошкент. Ғалаба байрами кунига бағишланган тантана пардан лавҳалар. А. ГОРОКРИК ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССРда ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАРГА ДОИР СИЁСАТИ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати умумий асосларини белгилаб беради ва уларни республикаларнинг тегишли қонунларини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос деб билади.

СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидаги қонун ССР Иттифоқи ва республикаларнинг ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишни таъмин этиши, ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек ёшлар ташкилотларининг ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаши керак.

I БЎЛИМ.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Давлатнинг ёшларга доир сиёсати**

1. Давлатнинг ёшларга доир сиёсати ССР Иттифоқи ва республикалар фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб, уларнинг идоралари бу сиёсатни ёш фуқаролар ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун, улар бутун жамият манфаатларини кўзлаб, ўз имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқаришлари учун ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратишни мақсад қилиб қўяди.

2. СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати қуйидаги қоидалар асосига қурилади:

бутун жамиятга, айниқса ёшларга дахлли бўлган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда ёшларни бевосита иштирок этишга жалб қилиш;

ёш фуқароларни уларнинг ёши билан боғлиқ ижтимоий мақомидаги камчиликлар ўрнини тўлдириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш;

ёш фуқарога таълим ва тарбия бериш, маънавий ва жисмоний ривожлантириш, касб тайёргарлиги юзасидан ижтимоий хизмат кўрсатиш, бу хизматларнинг ҳажми, турлари ва сифати шахснинг ҳар томонлама камол топишини ва мустақил ҳаётга тайёрланишни таъминлайди;

ёшларни ижтимоий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш соҳасида ташаббускор жамоатчилик фаолиятига кўмаклашиш.

2-модда. **ССР Иттифоқи ва республикаларнинг давлат ёшларга доир сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

1. Қуйидагилар ССР Иттифоқи ихтиёридаги ваколатлардир:

СССРнинг бутун ҳудудида давлат ёшларга доир сиёсатининг умумий ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асосларини ва йўналишларини белгилаб бериш;

ёшлар ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми асосларини белгилаб бериш;

ёшларнинг камолатини ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини белгилаб берадиган умуминтифоқ ижтимоий меъёрларни белгилаб қўйиш;

ёшлар ишларига доир давлат шўъбасини ташкил этиш ва унинг фаолияти асосларини тартибга солиш;

СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати соҳасида умуминтифоқ комплекс ва тармоқ дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш;

СССР ёшларга доир давлат сиёсатини амалга ошириш учун Иттифоқ бюджетидан ажратилган маблағни тасарруф этиш, шунингдек республикалар билан келишиб республикалар ана шу мақсадга ихтиёрий равишда ССР Иттифоқига ажратадиган маблағни тасарруф этиш;

давлат ёшлар сиёсати масалалари юзасидан ССР Иттифоқи номидан халқаро алоқаларни амалга ошириш;

республикалар томонидан берилган ваколатлар асосида давлат ёшларга доир сиёсати соҳасида республикалараро тузсаги бошқа муносабатларни қонунлар билан тартибга солиш.

2. Ушбу Қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмида ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган масалалардан ташқари давлатнинг ёшларга доир сиёсатини белгилаш ва амалга оширишнинг барча масалалари республикалар ихтиёридадир.

3-модда. **СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидаги қонунлар**

СССР Конституциясига ҳамда СССР халқ депутатлари съезди томонидан аниқлаб бериладиган СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ равишда ушбу Қонун СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати умумий қоидаларини ва низомларини белгилаб беради.

Ушбу Қонуннинг давлат ёшларга доир сиёсати умумий қоидалари ва низомларидан келиб чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари қисми, агар республикалар қонунларида ўзгача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, СССРнинг 30 ёшгача бўлган фуқароларига нисбатан амал қилади.

СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати амалга оширилиши ССР Иттифоқи билан республикаларнинг СССР Конституциясига ва республикаларнинг Конституцияларига мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари билан таъминланади.

4-модда. **СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидаги қонунлар ва халқаро шартномалар**

Башарти СССРнинг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагига ҳамда давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидаги ССР Иттифоқи бошқа қонун ҳужжатларидаги қондалардан ўзгача қоидалар кўзда тутилган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади

II БЎЛИМ. ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШИ

5-модда. **Ёш фуқаролар ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланиши кафолатлари**

1. СССРнинг ёш фуқаролари барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларга эга бўлиб, СССР Конституциясида, республикаларнинг Конституцияларида ва бошқа қонун ҳужжатларида СССР фуқаролари учун кўзда тутилган бурчларни бажарадилар.

Ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ёшига қараб ҳар қандай бевосита ёки билвосита чеклаш (камситиш), қонунда кўзда тутилганлари бундан мустасно, ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ёш фуқаролар зиммасига бошқа фуқаролар учун белгилаб қўйилган бурчларга нисбатан ҳар қандай қўшимча бурчларни, шу жумладан давлат ва жамоат тартибига риоя этиш соҳасида қўшимча бурчларни юклашга йўл қўйилмайди, бундай бурчлар ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонун ҳужжатларида махсус кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. 18 ёшга тўлмаган (балоғатга етмаган) шахслар давлатнинг алоҳида ҳимоясидан баҳраманд бўладилар. Давлат балоғатга етмаган шахслар ёшлиги туфайли ўз хатти-ҳаракати аҳамиятини тўла-тўкис англай олмаслигига асосланиб уларнинг ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқларни қўлга киритиш, ўзлари учун бурч-вазифаларни вужудга келтириш ва ҳуқуқий жиҳатдан жавобгар бўлиш қобилиятини чеклаб қўяди, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг алоҳида тартибини белгилаб беради. Ёш фуқаролар иш қобилиятининг тўла бўлмаган ҳажмини, худди шунингдек уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишнинг махсус тартибини фақат қонун белгилаб бериши мумкин.

Қонунда кўзда тутилган тарбиявий тусдаги мажбурий чоралар, шу жумладан жиноий жазо ҳисобланмаган мажбурий чоралар балоғатга етмаган фуқароларга нисбатан фақат суд ҳукми билан ёки суднинг тегишли қарори билан қўлланилади.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар, педагоглар ва ижтимоий соҳа ходимлари балоғатга етмаганларга нисбатан балоғатга етмаган шахслар содир этган жиноят белгилари ва ҳуқуқбузарлик кўринишлари бўлган хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммавий этишга асосланган таъсир чораларидан фойдаланишлари мумкин эмас, мазкур чоралар жиноий жазонинг ёки маъмурий жазонинг бир тури бўлган ёхуд суд қарори билан қўлланиладиган тарбиявий тусдаги мажбурий чорага тааллуқли бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

6-модда. **Таълим-тарбия муассасалари билан ўзаро муносабатларда ёш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш**

1. Ёш фуқаролар билан таълим-тарбия муассасаларининг ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар шу муносабат қатнашчиларининг тенглигига асосланади.

2. Ўқувчиларнинг таълим-тарбия муассасалари маъмурияти билан ўзаро муносабатдаги ҳуқуқлари ва бурчлари ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонун ҳужжатлари билан, шунингдек таълим-тарбия муассасалари ўзини ўзи бошқариш идораларининг ўқувчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари иштирокида қабул қилинган қарорлари, ўқувчилар, уларнинг жамоалари билан таълим-тарбия муассасалари маъмурияти ўртасида тузилган шартнома (битим) билан белгиланади.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССРда ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАРГА ДОИР СИЁСАТИ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

3. Таълим-тарбия муассасаларининг маъмурияти ва ходимлари ўқувчиларни бевосита таълим жараёнидан келиб чиқмайдиган вазифаларни бажаришга ёки ўз ҳуқуқларидан фойдаланишдан воз кечишга мажбур қилишга, шунингдек ўқувчиларнинг шахсий ҳаётига аралашишга ва уларнинг инсоний қадр-қимматини камситишга ҳақли эмаслар. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти ёки ходимлари бундай ғайриқонуний ҳаттиҳаракатларни содир этган тақдирда ҳуқуқлари бузилган ўқувчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари таълим-тарбия муассасаси етказилган зарарни қоплашини суд йўли билан талаб қилишга ҳақлидир.

7-модда. **Ёш фуқароларнинг ижтимоий хизматдан кафолатли фойдаланиш ҳуқуқлари**

1. Ёш фуқаролар ирқи, жинси, диний эътиқоди, миллати ва ижтимоий аҳволидан, даромадлари даражасидан қатъи назар ушбу қонуннинг 1-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган ижтимоий хизматларнинг энг зарур миқдордаги кам даражасидан кафолатли фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат ёш фуқаролар мазкур ижтимоий хизматдан фойдаланишнинг кафолатли даражасини мустаҳкамлаб қўядиган ижтимоий миқдор ва меъёрлар системасини белгилаб қўяди.

2. Ёш фуқароларнинг ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқларига давлат кафолат беради, бу ҳуқуқлар бузилган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунда белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

3. Давлат, жамоат идоралари ва мансабдор шахслар ёш фуқароларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ҳажмининг камайиб кетишига, худди шунингдек бундай хизматлар сифатининг кафолатли даражасига нисбатан пасайиб кетишига олиб келадиган қарорлар қабул қилишга ва бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақли эмаслар.

Давлат ва жамоат идораларининг, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ва қарорлари хусусида амалдаги қонунларга мувофиқ судга шикоят қилиш мумкин. Шикоят ҳуқуқи бузилган фуқаро томонидан, унинг вакили томонидан, шунингдек ёшлар ташкилоти ёки ёшлар ишлари давлат шўъбаси идораси вакили томонидан берилиши мумкин.

4. Давлат ёшларни ижтимоий хизмат билан таъминлашга доир фаолиятни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ва ташкилотларига ва бошқа бирлашмалар ва ташкилотларга зарур молиявий ва ўзга моддий ёрдам беради, улар фаолиятининг имтиёзли ҳуқуқий тартибини белгилайди, шунингдек давлат иқтисодий бошқариш усулларидан фойдаланиш, ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва юксалиши учун шарт-шароит яратишга сармоя сарфлашни рағбатлантиради.

8-модда. **Ёш фуқароларнинг, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва уларга мадад бериш**

1. Давлат ёш фуқаролар-нинг, ёш оилаларнинг ишбилармонлик фаолиятига, ёш фуқароларнинг шундай фаолиятини амалга ошириш учун бирлашган жамоаларига ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий жиҳатдан мадад бериш чоралари тизимини белгилаб беради.

Мазкур чоралар ёш фуқароларнинг хусусий, оилавий ва жамоа корхоналарига солиқ солиш ва қарз беришдаги имтиёзлари, зарур ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш биноларини ва таъминлашни, уларнинг тижоратдаги таваккалчилигини суғурта қилишни, тегишли равишда ишлаб чиқилган ваколатномалар ва кафолат беришни, шунингдек ўқитишни ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқишни пул билан таъминлашни, амалдаги қонунлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бу қонунларни қўлланишга доир усулий тавсияномалар билан таъминлашни ўз ичига олади.

2. Ёш фуқаролар ва ёш оилаларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб беришда имтиёзлар уй-жойлар ва квартиралар сотиб олишга, уй-жой қурилиш кооперативларига кириш пай бадалларини тўлашга, рўзғор буюмларини харид қилишга, узоқ муддат фойдаланиладиган рўзғор буюмларини сотиб олишга, тижорат асосида ишлайдиган ўқув юртларида таълим учун ҳақ тўлашга ва бошқа мақсадларга узоқ муддатли қарз берилади.

Бундай истеъмол қарзларини СССР банклари камроқ фойда тўлаш шарти билан беради ва бу қарзлар республикалар қонунларида кўзда тутилган имтиёзли тартибда тўланади.

3. Давлат ўқувчиларга ва ўқув юртларининг талабаларига, ҳақиқий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга маданий-маърифий ва спортсоғломлаштириш муассасаларидан фойдаланиш учун бундай муассасаларга киришга имтиёзли нарх белгилаш йўли билан афзал тартибни таъминлайди.

Давлат ҳокимияти Иттифоқ, республика, маҳаллий идоралари ҳамда ижроия-бошқарув идоралари ёш фуқароларнинг мазкур тоифаларига темирйўл, ҳаво, сув, автомобиль ва шаҳар транспортида юришга имтиёзлар беради, эвазига транспорт тармоқлари ва корхоналарга тегишли бюджетлардан компенсация тўлашни кўзда тутади.

Имтиёзли тартиб ёшлар туризми, шу жумладан, халқаро ёшлар туризм ва халқаро миқёсда ёшларнинг бир-бирларининг ҳузурларига бориши тарзидаги йўловчиларни ташиш чоғида транспорт воситаларидан фойдаланишга ҳам жорий этилиши мумкин.

III БЎЛИМ. СССРДА ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАРГА ДОИР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

9-модда. **Давлатнинг ёшларга доир сиёсатини таъминлаш**

1. Иттифоқ бюджетининг, республика бюджетлари ва маҳаллий бюджетларнинг тегишли бўлимларида давлат ёшларга доир сиёсати соҳасидаги тадбирларни пул билан таъминлаш учун зарур миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилади.

2. Ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш давлат дастурлари таркибида давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш борасидаги тадбирларни собиткадамлик билан ўтказиш кўзда тутилади.

3. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш чоғида уларнинг идоралари фаолиятининг ёш фуқаролар манфаатларини ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни таъминлайдиган тузилма ва тартиб белгиланади.

4. Давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёш фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан тегишлича ҳимояланишини таъминлаш мақсадида бутун ССР Иттифоқи ҳудудида ёшлар ишлари давлат шўъбалари ташкил этилади.

10-модда. **Ёшлар ишлари давлат шўъбаси**

1. Иттифоқ, республика ва маҳаллий даражаларда ёшлар ишлари давлат шўъбаларининг фаолияти ҳокимиятнинг ижроия-бошқарув идораларининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади.

Иттифоқ даражасида ёшлар ишлари давлат хизматини тузиш тартибини ССР Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради. Республикаларда ёшлар ишлари давлат шўъбаси республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилган тартибда тузилади.

Ёшлар ишлари давлат шўъбаси таркибига унинг идораларидан ташқари балоғатга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш инспекциялари, шунингдек, турли йўналишдаги ижтимоий хизматлар киради.

2. Ёшлар ишлари давлат шўъбаси:

давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш соҳасида комплекс дастурларни ва тармоқ дастурларини, ижтимоий миқдор ва меъёрларини ишлаб чиқади. Мазкур соҳадаги бошқа қарорларни тайёрлайди, уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради;

иқтисодий ва ижтимоий юксалиш дастурлари лойиҳаларини, тегишли бюджетлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

иш берувчилар (мулк эгалари ёки улар ваколат берган идоралар) вакиллари ҳамда касаба уюшмаларининг тегишли ҳудудий ва тармоқ бирлашмалари билан бош битимлар тузади, бу битимларда ёш ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнатини ҳамда меҳнатда бундай ходимлардан фойдаланишни муҳофаза қилиш тадбирлари кўзда тутилади;

махсус ижтимоий мададга муҳтож бўлган балоғатга етмаган шахсларга, бошқа ёш фуқароларга бевосита ижтимоий ёрдам беришни ва бошқа ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлайди;

балоғатга етмаганлар ва бошқа ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлайди, васийликнинг ташкил этилишини назорат қилиб боради;

ёшлар ва болалар ташкилотларига пул билан ёрдам беради;

ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳамда ўзга ташкилотларнинг ёш фуқароларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ёшларнинг жамоат учун фойдали ташаббусларини амалга оширишга доир дастурлар (лойиҳалар)ни пул билан таъминлайди;

зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

11-модда. **Ёшлар учун ижтимоий хизмат**

1. Ёшлар учун ижтимоий хизмат қуйидаги вазифаларни бажаради:

ёш фуқароларни турмушнинг барча соҳаларида уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тўғрисида хабардор қилиб боради;

балоғатга етмаганларга, бошқа ёш фуқароларга ҳамда уларнинг ота-оналарига руҳий, тарбияга оид, наркология хусусида ва ҳуқуқий ёрдам юзасидан маслаҳат беради;

ёш оилага ижтимоий ёрдам беради;

сиҳат-саломатлиги нуқсонлари туфайли жуда ноқулай аҳволга тушиб қолган Ёш фуқароларга, ногиронларга, шунингдек давлат боллалар муассасаларида турган ва бундай муассасаларда бўлиш муддатидан ўтган шахсларга ҳамда назоратсиз қолган балоғатга етмаган фуқароларга ёрдам беради;

балоғатга етмаган ҳуқуқбузарлар учун махсус таълим-тарбия муассасаларида ижтимоий иш олиб боради;

жазо муддатини ўташ жойидан озод қилинган ва махсус таълим-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқаролар кўникишига ёрдам беради;

ССР Иттифоқи ва республикларнинг қонунларида кўзда тутилган ёшларга ёрдам бериш ва уларнинг камол топиши учун шароит яратишга доир бошқа вазифаларни бажаради.

2. Тегишли маълумот ва касб тайёргарлигига эга бўлган ёки белгиланган тартибда синовдан ўтган шахслар ёшлар учун ижтимоий хизмат тизимида ижтимоий ходим сифатида ишлашлари мумкин.

12-модда. **Давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларни ҳамда фуқароларни ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга жалб этиш**

Давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларни ҳамда айрим фуқароларни ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш фаолиятига жалб этиш шартнома асосида амалга оширилади. Бир томондан юқорида айтилган ташкилотлар ёки шахслар ва иккинчи томондан тегишли даражадаги ёшлар ишлари давлат хизмати идоралари ўртасида тузилган шартномада ана шу ташкилотлар ёки шахслар кўрсатадиган хизматлар турлари ва мазмуни, уларга давлат хизмати берадиган молиявий ёки бошқа моддий ёрдам шартлари, кўрсатиладиган хизматлар сифатига талаблар белгилаб қўйилади.

13-модда. **Ёшлар компенсация жамғармалари**

Қарз берувчи муассасаларга улар ёш фуқароларга, ёш оилаларга интиёзли истеъмол қарзлари, шунингдек, ёш фуқаролар, якка тартибдаги ва жамоа корхоналарига имтиёзли қарзлар берилиш муносабати билан олинмай қолган даромадлар ўрнини қоплаш, шунингдек, молиявий таваккалчиликнинг суғурта қилиниши, ёш тадбиркорларга кафолатлар (кафилликлар) берилишини ҳамда бошқа харажатларга пул ажратилишини таъминлаш учун ихтисослаштирилган компенсация жамғармалари ташкил этилади.

Ушбу жамғармалар маблағини тасарруф этиш ҳуқуқига жамғармалар раҳбарияти ёки ёшлар ишлари давлат хизмати идоралари эга бўлади.

Мазкур жамғармаларни барпо этиш тартиби, фаолияти ва уларни ташкил этадиган манбалар республикалар қонунларида, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида белгилаб қўйилади.

Ихтисослаштирилган ёшлар жамғармалари ўртасида тузилган битимлар асосида минтақа ва республикалараро жамғармалар ташкил этилиши мумкин.

IV БЎЛИМ. СССРДА ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ АСОСЛАРИ

14 модда. **Ёшлар ташкилотлари**

1. Муайян ёшга етиш муносабати билан аъзоликдан чиқиш талаби уставида албатта белгилаб қўйиладиган, ёш фуқароларни бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари ёшлар ташкилотлари деб тан олинади. Бунда ёшлар ташкилотлари мазкур ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган идоралари таркибига сайланган ёки шундай ишда ишлаётган ўз аъзолари учун юқорида айтилган талабни четлаб ўтиш ҳуқуқига эга бўлади.

Асосан ёш фуқароларни бирлаштирган жамоат ташкилотлари ҳам, агар уларнинг уставда белгиланган фаолияти ёшларнинг ижтимоий камол топишини ва ривожланишини таъминлашга қаратилган бўлса ёшлар ташкилотлари ҳисобланади. Ёшлар ташкилотларининг турли бирлашмалари ҳам ёшлар ташкилотлари ҳисобланади.

2. СССРда иштирокчилари аъзо сифатида қайд этишга (расмийлаштиришга) асосланмаган оммавий ёшлар ҳаракатлари ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Оммавий ҳаракатларнинг ваколат идоралари (комитетлари, кенгашлари, бошқарувлари) қонунда ёшлар ташкилотларининг тегишли идоралари учун кўзда тутилган ҳуқуқларга эга.

3. Жамоат ташкилотлари тузган ва ўз фаолиятини шу жамоат ташкилотлари устав вазифалари доирасида ҳамда уларнинг раҳбар идоралари чиқарган қарорлар асосида олиб борувчи ёш фуқаролар бирлашмалари ушбу жамоат ташкилотларининг ёшлар (ўсмирлар) шўъбалари ҳисобланади ва ёшлар ташкилотлари деб тан олинмайди.

4. Ёшлар ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлар, шунингдек мазкур қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган СССР Иттифоқи ва республикалар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15-модда. **Ёшлар ташкилотларининг давлат ёшлар сиёсатини шакллантиришдаги иштироки**

1. Ёшлар ташкилотлари Умумиттифоқ ва республика идоралари, агар республикалар қонунларида бу республика идоралари учун бошқа йўл кўзда тутилмаган бўлса, ССР Иттифоқи ва республикалар давлат ҳокимияти олий идораларида қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқига эгадир.

2. Давлат бошқаруви идоралари ёшлар ташкилотлари уставларида белгиланган вазифаларни ўз ичига оладиган ёшлар ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари юзасидан қарорларни фақат тегишли ёшлар ташкилоти раҳбар идоралари билан олдиндан маслаҳатлашиб чиқаради.

Давлат бошқаруви идоралари ёшлар ташкилоти фаолияти масалалари юзасидан қарорларни мазкур ёшлар ташкилоти раҳбар идорасининг вакиллари иштирокидагина қабул қилиши керак.

16-модда. **Ёшлар ташкилотлари фаолияти учун кафолатлар**

1. Давлат идоралари ёшлар ташкилотларига молиявий ёрдам кўрсатадилар. Бу ёрдам аввало уларнинг ёшлар ташкилотлари ёшларни ижтимоий ҳимоялаш дастурини амалга ошириш учун қаратилган инвестиция фаолиятидан оладиган фойда (даромад)дан олинадиган солиқлардан озод қилиш тарзида бўлиши лозим.

2. Агар ёшлар ташкилотларига бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар беминнат маблағ ўтказмаган бўлса, мазкур ёшлар ташкилотига унинг фаолиятини таъминлаш учун тегишли бюджет маблағидан ёрдам пули берилиши мумкин.

3. Давлат идоралари ёшлар ташкилотларига биноларни, иншоотларни ва уларнинг уставда белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун зарур бошқа мулкларни бепул беришга ҳақлидир.

V БЎЛИМ. «СССРДА ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАФОЛАТЛАРИ

17-модда. **Ёш фуқаролар ва ёшлар ташкилотларининг мазкур қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқлари кафолатлари**

1. Ёш фуқаролар ва ёшлар ташкилотларининг мазкур қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқларини улар бевосита ва тўла ҳажмда амалга оширадилар, ССР Иттифоқи ва республикалар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган асосларда ва тартибда ёш фуқароларнинг ҳуқуқий салоҳияти чекланган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Агар бу ҳуқуқлардан фойдаланиш уларни амалга ошириш тартиби ва тарзи белгиланишини талаб қилса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари мазкур масалаларни изга солувчи зарур меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга мажбурдир.

Бунда шундай ҳужжатлар қабул қилингунга қадар ёш фуқаролар ва ёшлар ташкилотлари ўз ҳуқуқларини уларнинг ўзлари мустақил танлаган, амалдаги қонунларга зид бўлмаган тартибда амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ҳолларда ҳуқуқларни амалга оширишга ҳар қандай тўсқинлик қилиш қонунга ҳилоф бўлади.

Агар ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш давлат ташкилотлари ва улардаги мансабдор шахслар содир этадиган харакатлар билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар қилиш тартиби (баҳслар қайси идорада кўриб чиқилиши) қонунда белгиланмаган бўлса, бу тартибни шу ташкилотлар мустақил равишда ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоғида эса бундай тартиб амалдаги қонунлардан ўхшашини топиб, шу асосда белгиланади. Олдиндан белгилаб қўйилган тартибнинг йўқлиги ҳуқуқларни амалга оширишдан ва ҳимоя қилишдан бош тортиш учун асос бўла олмайди.

18-модда. **Мазкур Қонуннинг уни ривожлантириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар билан нисбати**

1. Давлат идоралари қонунни амалда рўёбга чиқаришга тааллуқли меъёрий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда мазкур Қонун қоидаларига амал қилиниши учун масъулдир.

Бунда мазкур Қонунда ёш фуқароларга ва ёшлар ташкилотларига берилган ҳуқуқлар ҳажмини чекловчи ҳар қандай кичик қонун ҳужжатлари улар қабул қилинган вақтдан бошлаб бутунлай ёки тегишли қисми ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Агар хўжалик бахсларини ҳал этувчи судлар ва идоралар ишларни кўриб чиқиш ва баҳсларни ҳал қилиш давомида кичик қонун ҳужжатларининг мазкур Қонун қоидаларига мос келмаслигини аниқласалар, улар мазкур Қонунга амал қиладилар.

Ушбу Қонунга зид бўлган кичик қонун ҳужжатини амалга ошириш натижасида ёш фуқароларга ва ёшлар ташкилотларига етказилган зарар шу қонун ҳужжатини қабул қилган давлат идораси тасарруфидаги маблағ ҳисобидан тўла қопланади.

19-модда. **Мазкур Қонун бажарилишини кузатиш ва назорат қилиш**

1. Мазкур Қонун аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан олий назорат СССР Бош прокурори ва республикалар прокурорлари зиммасига юкланади.

2. Мазкур Қонун амалга оширилишини халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли давлат идоралари назорат қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 16 апрель.

• СССР Олий Кенгашининг қарори

«СССРДА ДАВЛАТНИНГ ЁШЛАРГА ДОИР СИЁСАТИ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонуни 1991 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

2. Республикаларнинг Олий Кенгашларига Республикаларнинг қонунларини «СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш таклиф этилсин.

Республикаларнинг Олий Кенгашларига ушбу Қонун қоидаларига асосланиб давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни кўзда тутувчи тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш тавсия этилсин.

3. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 1 июлига қадар муддатда:

СССР Қонунларини «СССРда давлатнинг ёшларга доир сиёсати умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш хусусидаги таклифларни СССР Олий Кенгашига киритсин;

СССР вазирликлари, давлат комитетлари ва идоралари меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиб мазкур қонунга зидларини бекор қилишларини таъминласин.

Давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш юзасидан биринчи навбатда бажариладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин, бунда қуйидагилар кўзда тутилсин:

бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуи;

ёшларга биринчи навбатда уй-жой муаммосини ҳал этишга ва ёшларнинг ишбилармонлигини ривожлантиришга қаратилган қарз беришнинг табақалаштирилган тизими;

ижроия ҳокимият томонидан давлат ёшларга доир сиёсатини ташкилий жиҳатдан таъминлаш.

4. СССР Қонунлари «СССРда давлатнинг ёшларга оид сиёсати умумий асослари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар унинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

5. СССР Вазирлар Маҳкамасига СССРда ижтимоий хизмат тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаб, 1992 йил 1 январга қадар СССР Олий Кенгашига тақдим этиш топширилсин.

Мазкур Қонун ҳужжати қабул қилиниб ва кучга киритилгунга қадар ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунларида халқ таълими ходимлари учун белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар ижтимоий соҳа ходимларига нисбатан жорий этилсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 16 апрель.

КУН ТАРТИБИДА— «ОДОБНОМА» МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 8 май куни ўтказилган йиғилиш умумтаълим мактабларида таълим-тарбиянинг самарадорлиги, шакл ва мазмунини бойитиш мақсадида яқин йилларда ўрта мактабларнинг ҳамма синфларида «Одобнома» дарслигини жорий қилишга тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди. Унда жумҳуриятимиз мактаблари ва муаллимлар, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг вакиллари, Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда ҳозирги кунда Фарғона, Наманган вилоятларида ва Тошкент шаҳри мактабларида бу борада қилинаётган ишлар муҳокама этилди. «Одобнома» дастурини ва дарслигини ишлаб чиқиш юзасидан уч гуруҳ ташкил этилди. Уларга етук олимлар, методистлар ва тажрибали ўқитувчилар киритилди. Режа ва дарсликлар бошланғич синфлар, 5-9 синфлар ва 10-11 синфлар учун ўқувчиларнинг ёши ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда табақалаштириб, алоҳида-алоҳида ёзиладиган бўлди. Аниқ муддатлар белгилаб олинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов олиб борди.

(ЎзТАГ).

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП

8 май куни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида ижодий жамоалар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди. Эркин ва ошкора вазиятда ўтган суҳбатда ўзбек адабиёти, санъати, маданияти, кино ва рассомчилиги, нашриёт ва журналистикасидаги аҳвол ҳамда жумҳуриятимиз ижодкорлари олдида турган ўта долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий тўйи тантаналари, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Боборахим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Абдулла Қодирий туғилган кунга бағишлаб ўтказилган, ўтказилаётган ва белгиланган тадбирларни амалга ошириш борасидаги ютуқ ва камчиликлар, ҳозирги авлоднинг буюк ўтмишдошларимизга муносабати, ҳурмат ва эҳтиромли масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Маълумки, Алишер Навоий юбилейи кенг нишонланмоқда. Вилоятларда, пойтахтимизда анчагина ишлар қилинди. Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида Навоий кунлари ўтказилди, май ойи давомида Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида, Қозоғистон жумҳуриятида шундай тантаналар ўтказилади. Туркманистондаги Навоий кунларида жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигидаги давлат делегацияси иштирок этди. Қардош Тожикистонда Мир Алишер Навоий тўйи яқин кунларда ўтказиш мўлжалланаётган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларига уланиб кетади.

Сентябрь ойида юбилей тантаналари Тошкентда, сўнгра Москвада бўлиб ўтади. У ерда ҳам қизиқарли учрашувлар, матбуот конференциялари, тантанали йиғилишлар ташкил этилади. Бироқ, деб таъкидланди йиғилишда, бу тадбирларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Халқимиз ёзувчиларимиздан, барча ижодкорлардан янгиянги асарлар кутмоқда.

Йиғилишда айниқса маданий мероснимизга муносабат масалаларига катта эътибор берилди. Жумҳуриятимиз бетакрор обидалари билан жаҳонга машҳур эканлиги таъкидланди. Аммо ачинарлиси шундаки, уларнинг кўпчилиги қаровсиз ҳолатда. Уларни таъмирлаш учун катта маблағ керак. Яна жиддий масалалардан бири қўлёзмалар тақдиридир. Улар фондларда ўлда-жўлда ҳолда ётибди. Бу бебаҳо дурдоналардан халқимизни қачон баҳраманд этамиз? Бунинг учун, эҳтимол, махсус восита ишлаб чиқиш; «Мерос» нашриётини ташкил этиш керакдир. Бу борада барча масалаларни қамраб оладиган давлат дастурини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Йиғилиш қатнашчилари бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш, уй-жой билан таъминлаш масалаларига ҳам катта эътибор бердилар.

Ўзбек тили тўғрисидаги қонун суст бажарилаётганлиги, атамалар қўмитаси қониқарли фаолият кўрсатмаётганлиги айтиб ўтилди.

Юқорида тилга олинган масала ва муаммоларни биргаликда аҳиллик билан ҳал этиш мумкинлиги йиғилишда алоҳида уқтирилди. Ана шу масалалар юзасидан чора ва тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Ўш-Хоруғ автомобиль йўлининг эллик саккизинчи километрида, денгиз сатҳидан 2,5 минг метр баландликда ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик байрами бошланди. Бу ерда, республикалар чегарасида Ўш вилоятининг тоғли Олой райони аҳолиси Андижон вилояти меҳнат жамоаларининг ва ижодий зиёлиларининг вакилларини ризқ-насиба билан кутиб олишди.

Бу ерда дўстлик митинги бўлиб ўтди, кейин эса учрашувнинг барча иштирокчилари район марказига катта концертга таклиф қилинди. Концертда Андижон ва Ўш вилоятларининг профессионал ҳамда ҳаваскор артистлари қатнашди. Миллий спорт ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтди.

Маълумки, байрам меҳмондорчиликсиз бўлмайди. Шу боисдан ўзбек ва қирғиз ошпазлари бутун маҳоратларини ишга солиб, ҳаммани миллий таомлар билан меҳмон қилишди.

Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг қўшни вилоятлари аҳолисини ўнлаб йиллардан буён дўстлик ришталари боғлаб турибди. Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон Республикаси Президентларининг Бишкек ва Ўшда бўлиб ўтган учрашуви улар ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларининг янги қирраларини очиб берди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЖАНГЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК

Буюк Ғалабанинг 46 йиллиги арафасида Олот райони марказидаги маданият ва истироҳат боғида Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган, шунингдек Афғонистонда ўз байналмилал бурчини бажарган жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорлик комплекси қуриб битказилди.

— Қурилиш ишлари уч йил давом этди, — деди ёдгорликнинг муаллифларидан бири, Олот районининг бош меъмори Саттор Бекниёзов. — Шуниси диққатга сазоворки, комплекс қурилиши учун сарфланган 350 минг сўмдан кўпроқ маблағнинг ҳаммасини юртдошларнинг ўзлари тўплашган — давлатдан бир тийин ҳам олинмади. Давлат банкининг район бўлимида алоҳида ҳисоб варақаси очилиб, унга фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари тушаверди. Бундан ташқари шанбаликлар ва ҳашарлар ҳам уюштирилди.

Мармар тахтага жангларда ҳалок бўлган юзлаб олотлик жангчиларнинг исм-шарифлари битилган. Уларнинг хотирасига бу ерда мангу олов ёниб турибди.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ВЕТЕРАНЛАР ХИЗМАТИДА

Фарғона шаҳрида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда байналмилалчи жангчилар 9 май — Ғалаба куни арафасида муносиб совға олдилар. Шаҳарнинг Карл Маркс кўчасида уларга хизмат кўрсатувчи «Шуҳрат» фахрийлар дўкони иш бошлади. Бу дўкон шаҳар саноат моллари савдо бирлашмасига қарашли бўлиб, унда электр товарлари, кийим-кечак, тикув материаллари, чинни идишлар ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан ойига 27 минг сўмдан зиёд савдо хизмати кўрсатилади. Энди Фарғона шаҳрида ветеранлар учун хизмат қилаётган дўконлар сони учтага етди.

(ЎзТАГ).

«НАСАФ» НАШРИЁТИ

Қашқадарё вилояти матбуот бошқармаси ҳузурида «Насаф» нашриёти иш бошлади. Хўжалик ҳисобидаги мазкур нашриёт республикамиз вилоятлари орасида биринчи марта Қаршида ташкил этилди. Бундан мақсад республиканинг жанубий вилоятлари аҳолисини илмий-бадиий ва оммабоп асарлар билан таъминлашни янада яхшилашдан иборат.

Шу йил охиригача нашриёт 150 тобоқ ҳажмда, ўзини 30 номга яқин китобни босмадан чиқаришни мўлжаллаяпти. Улар орасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, таниқли адиб Жуманиёз Жабборов, маҳаллий авторлардан филология фанлари номзоди, доцент ёзувчи Поён Равшанов, Муҳаммад Очил, Шарофат Ашурова, Саодат Тожи кабиларнинг асарлари бор.

— «Насаф» нашриётининг ташкил қилинганлиги қўриқ воҳа маданий ҳаётида катта воқеа бўлди, — дейди Қашқадарё область матбуот бошқармаси бошлиғи Орол Мўминов. — Айни пайтда ташкилий ишлар амалга оширилаяпти. Нашриётнинг хўжалик ишлари билан бирга муҳарририяти штатлари ҳам ҳал этилмоқда. Яқин келажакда бу ерда китоб чоп этишни икки-уч бараварга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Албатта китобхонга ҳавола этиладиган асарлар орасида меҳр-шафқат, ахлоқ-одоб, ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашга йўналтирилган китоблар асосий ўринни олади. Нашриётни қоғоз билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда яқинда РСФСРнинг Нижний Новгород ва Пермь целлюза-қоғоз комбинатлари билан шартномалар тузилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Халқ иродаси

РЎЗНОМА ПОЧТАСИ

● Қарийб тўрт ой мобайнида «Совет Ўзбекистони»га 5 мингдан зиёд хат-хабар, шикоятлар келди. Шуларнинг мингдан зиёди газетамиз саҳифасида эълон қилинди.

● **Тегишли ташкилотларга текшириб, ҳал қилиш учун юборилган 555 та шикоятнинг кўпчилик қисмига масала ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоблар олинди. Лекин айрим мутасадди ўртоқлар муддати ўтганлигига қарамай, меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини қондиришга шошилмаётирлар.**

★ Хоразм вилоятининг Шовот район халқ маорифи бўлими, Қорақалпоғистон Олий Совети ва Ички ишлар вазирлиги, Сирдарё вилояти Ховос ноҳия халқ суди, Сирдарё район ижроия қўмитаси, Ворошилов ноҳия ижроия қўмитаси, Қашқадарё вилоят Деҳқонобод, Қамаши, Чироқчи районлари ижроия қўмиталари, Жиззах вилояти прокуратураси, Зомин район ижроия қўмиталари ҳанузгача шикоятларга жавоб беришмади.

★ **Кейинги пайтда газетамизда эълон қилинган мақолаларга билдирилаётган фикр-мулоҳазалар кўпайди, бундай хатлар 300 дан кўпроқни ташкил этади.**

Жамоатчи суратқаш-мухбир Н. Эргашев йўллаган ушбу суратдаги қиз Наманганда тикувчилик бирлашмаси чевари Нодирахон Усмоновадир. У ёш бўлишига қарамай тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги туфайли қисқа муддатда илғорлар сафидан ўрин олди, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор топди.

Нодирахон ўзбек миллий кийимларини ҳам, европача кўйлакларни ҳам бирдай хушбичим қилиб тика олади. Шунинг учун ҳам унинг топширган маҳсулотини техник назорат ходимлари нуқсонсиз қабул қилишади. Н. Усмонова ўтган йили бўлиб ўтган вилоят модалар кўригида ўзи тиккан кўйлаклар билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олди.

«Нажот» хизмати

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛАДИ

«Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчисиман. Фронтда яралангаман. Урушдан қайтиб 43 йилдан бери бир корхонада ишладим. Ҳозир ёшим 70 да. Қариган чоғимда узоқ йиллар мобайнида йиққан жамғармамизга машина олмоқчи эдим. Аммо шу пайтгача аризам ижобий ҳал этилмаётир.

Ғ. АШУРОВ».

Муҳарририят ушбу аризани Шофиркон район Кенгаши ижроия қўмитасига юборган эди. У ердан қуйидаги жавоб олинди:

— Райондаги Ф. Хўжаев номли кўчада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ногирони Ғофур Ашуровнинг аризаси район ижроия қўмитаси ҳузуридаги «Аҳолига транспорт тақсимлаш комиссияси»да ўрганиб чиқилди. ва унга «Москвич» енгил автомашинаси ажратиш лозим, деб топилди. 1991 йилнинг II квартали охиригача яъни машина келиши биланоқ, Ғ. Ашуровнинг илтимоси қондирилади.

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

«Эримдан икки бола учун нафақа олаётган эдим. Аммо кейинчалик у келмай қўйди. Бу ҳақда Ховос район халқ суди, район партия комитетига мурожаат қилдим. Лекин фойдаси бўлмаяпти.

О. ҲАМИДОВА».

Текшириш ва ҳал қилиш учун Ховос район халқ судига юборилган аризага шундай жавоб келди:

— Ариза текширилди. Аниқланишича, жавобгар Б. Маматқулов ишлаётган Сирдарё область таъмирлаш ва тузатиш бошқармаси ҳисобчилари томонидан нафақаларни юборишда жиддий камчиликка йўл қўйилган.

Нафақа чегириш ва жўнатишга эътиборсизлик қилганликлари учун бошқарма бош ҳисобчиси О. Исматов ва кассир Ф. Абдусамадовларнинг ҳар бирига район халқ судининг қарорига асосан 30 сўмдан жарима солинди. Даъвогарга тегишли бўлган 158 сўм 32 тийин пул жўнатилди.

ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИНДИ

«Мактабимизга Б. Холёров директор бўлиб келди-ю жамоамиз ўртасида маънавий муҳит бузилди. Атрофига ўз яқинларини тўплади. Кўпчилик фикри билан ҳисоблашмай иш тутмоқда. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия ишлари сусайиб кетди. Молиявий суиистеъмолчиликлар келиб чиқди.

С. БОЙМУРОДОВ, ўқитувчи».

Бу шикоятга Чироқчи район Кенгаши ижроия қўмитасидан олинган жавобда қуйидагилар айтилади:

Коллективда носоғлом вазиятни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилди. Мактаб директори Бахтиёр Холёров ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди ва мутахассислиги бўйича ўқитувчи бўлиб ишламоқда. Мактабга янги директор тайинланди.

ПЕНСИЯ ОШИРИЛДИ

«Мен 1985 йилда пенсияга чиққанман. Ўтган йили 11 сентябрдан бери иккинчи группа ногиронман. Район ижтимоий таъминот бўлимидан менга 228 сўм 50 тийин пенсия тайинланганлигини айтишганди. Лекин шу пулни ололмай сарсон бўляпман.

А. ИБРОҲИМОВ, Оҳангарон райони».

Ушбу ариза «Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг ижтимоий таъминот бошқармасига юборилганди. У ердан қуйидагича жавоб олинди:

— СССР фуқароларининг пенсия билан таъминлаш ҳақидаги қонунга мувофиқ ўтган йил 1 октябрдан бошлаб А. Иброҳимовнинг пенсияси 228 сўм 50 тийинга оширилган.

Тошкент область нафақа ва пенсиялар ҳисоблаш ва тўлаш маркази ходими А. Маматгазинанинг айби билан А. Иброҳимовга белгиланган пенсия ўз вақтида жўнатилмаган. Марказ бўйруғига мувофиқ, А. Маматгазинага ҳайфсан эълон қилинди.

Ўтган йили тўланмаган пенсия миқдори қўшиб ҳисобланиб, аризачига жўнатилди.

● *Президент фармони қандай бажарилмоқда?*

ЎН БИР ЙИЛЛИК ВАЪДА

Биз Когон районидаги «Партия XXII съезди» давлат хўжалигига қарашли Ўртачўл қишлоғида истиқомат қиламиз. Халқимиз меҳнаткаш. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли хўжалигимиз доимо давлат режаларини ошириб бажариб келяпти.

Бироқ юрт бойлигига бойлик қўшаётганларга шароит яратиш қониқарли эмас. Газ қувури қишлоғимиздан атиги юз метр наридан ўтган. Биз ўн бир йилдан бери қишлоғимизни газлаштириб бериш ҳақида совхоз маъмуриятига мурожаат қиламиз. Улар эса фақат ваъда беришади, холос. Ваъда бажарилиб, уйларимизда «зангори олов» ёнадиган кунлар келармикан?

Н. ҲИКМАТОВ,

ИШЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Каттақўрғон шаҳар ижроия қўмитаси кўча, корхона ва маҳаллаларнинг номларини талаб ва истаклар асосида ўзгартиришга эътибор қилмоқда.

Жумладан кўпгина жойларга тарихий номлар берилди. Олимлар, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналминалчи жангчиларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Шаҳар ёғмой комбинатига байрам арафасида буюк ўзбек олими ва мунажжими Мирзо Улуғбек номи берилди. Корхона оталиғидаги маданият саройи эса Нодирабегим номи билан аталадиган бўлди.

А. ҲОШИМОВ.

● *Қардошлар ёзадилар:*

ҚРИМДАН

БИР ОҒА—ИНИМИЗ

Ниҳоят, қрим татар халқининг йиллар давомидаги орзу-умидлари рўёбга чиқди. Биз киндик қонимиз тўкилган Қримга кетиш учун рухсат олдик. Оғир кунларимизда катта ёрдам кўрсатган ўзбек халқидан жуда миннатдормиз. Кетиш олдидан маҳаллаларда хайрлашув кечаларини ўтказдик. Бир-биримизга яхши тилаклар билдирдик.

Ҳозир қондош-жондош бўлиб кетган қрим татар халқига ўзбек халқи Қримда турли қурилишларни битказишда моддий ёрдам кўрсатмоқда. Қрим вилояти Қорасув шаҳрида халқ ҳашари йўли билан қурилаётган масжид қурилишига Шаҳрихон Жума масжидининг имоми Абдулла қори бошчилигидаги ўзбеклар пул тўплаб юбордилар. Мен барча қрим татарлар номидан уларга, жумладан барча ўзбек халқига чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бир оға-инидек бўлиб кетган ўзбек ва қрим татарларнинг дўстлиги абадийдир.

Шефиха ОРИПОВА.

ОЗАРБАЙЖОНДАН

ҚАДРИНГИЗНИ ҲИС ЭТИШ

Ўзбекистондан келганимизга ҳам йигирма бир ой бўлибди. Бошқаларни билмайман-у, аммо мен ҳар куни Ўзбекистонни эслайман.

Ҳозир Озарбайжонда Ўзбекистондан кўчиб келган кўплаб турклар яшашади. Тўғри, бу ерда бизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда, ер бериляпти. Шунга қарамай ўзбекистонликларни кўпчилик зўр ифтихор билан тилга олмоқда. Оғаини, қондош-жондош бўлиб кетган ўзбеклар билан бирга фаровон яшаган кунларимиз кечагидек кўз ўнгимизда. Буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Бу ерга келгач, ўзбекистонлик биродарларимиз қадрини янаям ҳис қиляпмиз.

Бинали ТУРАНОВ.

ТОЖИКИСТОНДАН

ҲАМКОРМИЗ

Сайловчиларимнинг кўпчилиги ўзбек бўлганлиги учун ҳам ҳудудимизда Ўзбекистон телевиденеси программасини томоша қилиш мақсадида менга мурожаат қилишди. Сурхондарё вилояти Термиз районидаги Учқизил телестанцияси орқали бу ишни амалга ошириш мумкин экан. Шу масала юзасидан вилоят партия, совет ва бошқа ташкилотларга, Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлигига мурожаат қилдим. Ҳозир Қубодиён ва Шаҳритуз районларининг катта қисмида яшовчи ўзбеклар Ўзбекистон телевиденеси кўрсатувларини мириқиб томоша қилишяпти. Ўйлайманки, дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бундан буён ҳам янада мустаҳкамланади, ривожланаверади.

Сайдулла ОРИПОВ, СССР халқ депутати.

МУШТАРИЙ:

ХАБАР БЕРАДИ

ЗАРЛИ АТЛАС

Иштихон бош пиллахонаси қошида «Атлас» кооператив устахонаси иш бошлади. Бу ерда ҳозир иккита дастгоҳ ёрдамида зарли атлас тўқиляпти. Муқаддас Турдиева, Фаруза Бозорова, Муҳаббат Йўлдошева, Нигора Баратова Наманганда икки ой мобайнида атлас тўқиш сирларини ўрганиб келдилар. Уларга наманганлик атлас тўқиш устаси Акрам Турдиев устозлик қилмоқда.

— Ҳозир ҳар бир дастгоҳ билан кунига 8—10 метрдан зарли атлас тўқиляпти,— дейди кооператив бошлиғи Шоғўлат Худойбердиев. — Ҳадемай яна битта дастгоҳ ўрнатилади. Йил охиригача улар сони янада ортади. Бир қатор хўжаликларда ҳам шундай цехлар очмоқчимиз. Атласнинг ҳар бир метри 45 сўмдан баҳоланмоқда.

Ҳа, Иштихон зарли атласи ноҳия хотин-қизларига оламмисдик шодлик бахш этиши табиий.

У. САИДОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

САРГАРДОНЛИК

Ўтган йили чиқарилган ёшларнинг пул-буюм лотереясидан сотиб олган эдим. «Рекорд» Ц-280 маркали рангли телевизор ютдим. Ютуқдан оиламиз аъзолари беҳад қувонишди. Лекин эрта севинган эканмиз. Ютуқни олиш сергардонлигини қўяверасиз?!

Лотереяни олиб, Бўка район омонат кассасига бордим. У ердагилар мени табриклаб, Оҳангарон мебель магазинидан ютуқни олишимни айтишди. Бу ердаги савдо ходимлари эса «Бизда фақат мебель сотилади, телевизор бўлмайди», деб жавоб беришди.

Шундан кейин Тошкенттдаги марказий омонат кассасига бордим. У ердагилар ютуқни текшириб, лотереяга муҳр босиб, Ўзбекбирлашувга боришимни айтишди. У ерда лотереяни кўришгач: «Бекорга овора бўлибсиз-ку, нархи 1100 сўмгача бўлган молларни ўз районингиздан олишингиз керак», — деб айтдилар.

Мен яна Бўка районидаги омонат кассасига бордим. Улар Бўка район ижроия қўмитасига, у ердагилар «Табассум» универмагига, универмагдагилар район матлубот жамияти раиси Ҳикмат Давроновга юборишди.

Сўнг район партия ва комсомол қўмиталарида бўлдим. Комсомол қўмитасида область комсомол қўмитасига юборишди. Бу ерда керакли одамни тополмай охири Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитетига учрашдим. Бу ердан область банкига жўнатишди. Банкдаги аёл: «Ҳозир телевизор йўқ, кейинчалик олсангиз ҳам оширилган нархда оласиз», деб айтди.

Шундан кейин область савдо бошқармаси, «Космос» магазинида бўлдим. Хуллас, ҳозиргача бор отанга — бор онанга бўлиб юрибман. Сарсонгарчиликнинг чеки бормикин?

Д. КАНДИМОВ, Бўка райони.

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

ЮРТИМ

Юртим, денгиздан мен фақат бир қатра,
Аммо қасд қилганга қилмадим мен қасд.
Қуёш ёрдусидан топмасдим баҳра,
Агар сен бўлмасанг жонимга пайваст.

Сен бор орзуларим учмайди елга,
Сен бор юрагимга ғам солмас соя.
Ғанимни дўст дейиш хиёнат элга,
Дўстни қалқон бўлиб этгум ҳимоя.

Биламан, мушкулдир дилларга кирмоқ,
Мушкулдир уларни забт этмоқ сенсиз.
Халқим дарё бўлса, мен ҳам бир ирмоқ,
Ирмоқлар бирлашиб бўлади денгиз.

Шу денгиз қўйнида мен доим ўктам,
Қудратли тўлқинлар олар оғушга.
Сени умр бўйи мадҳ этгум, ўлкам,
Аммо рағбатим йўқ мақтов-олқишга.

ОРЗУЛАР

Дунё ишларида кўпдир жумбоқ, сир,
Инсон хаёлини чулғар гоҳ улар.
Не тонгки орзуда яшаса тақдир,
Афсуски, тақдирда кулар орзулар.

Ўз халқинг дардидан кам қилма юкинг,
Бўлса юрагингда алангали ўт.
Мақсадга эришар ким шимарса енг,
Қояга қўнгандай интилган бургут.

Мели БОБОҚУЛОВ, ўқитувчи, Пастдарғом ноҳияси.

● *Меҳр-оқибатли бўлайлик*

ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР, АММО

Андижон шаҳридаги қариялар уйидамиз. Ўтган йилнинг октябрь ойида бу ерга келган советободлик Матғози ота ва кампири Рисолатхон ая Ортиқовалар билан дилдан суҳбатлашишга, оз бўлса-да, кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Ҳамроҳим, шаҳардаги 1-кўп соҳали болалар касалхонасининг тарбиячиси Мунаввархон Аҳмедова улар атрофида парвона бўлади.

— Узоқ йиллар Советободдаги «Тарандубитель» заводида ишладим. Завод коллективига раҳмат. Бир ҳафта олдин бизни келиб, кўриб кетишди. Қўни-қўшниларим ҳам келиб туришади.

— Фарзандларингиз борми, отахон? — оқиста сўрайман.

— Бор, аммо мутлақо келишмайди, — дейди Рисолат ая ғамгин.

Отанинг айтишича, уларнинг Дилбархон, Иброҳимжон, Нормуҳаммад исмли фарзандлари бор экан. Иброҳимжон Советободдаги шаҳар касалхонасида шофер бўлиб, Нормуҳаммад эса Фрунзе давлат хўжалигида ишларкан.

— Фарзандларимнинг ишлари кўп бўлса керак, — деди Матғози ота. — Шу боис келиша олмаяпти шекилли. Майли, қаерда бўлсалар ҳам омон бўлишсин.

Биз уларнинг хонасидан чиқар эканмиз бир гуруҳ эркак ва аёлларга дуч келдик.

— Биз Матғози отанинг ҳамқишлоқлари бўламиз, — дейишди улар. — Бир отамизни кўриб кетайлик, деб келяпмиз.

— Мен пойтўғликман, — дея ўзини таништирди Асан Тайёров деган оқсоқол. — Ўғлим Рифат рассомчилик устахонасида ишлайди. Қизим Усния эса Избоскан ноҳиясидаги марказий касалхонада акушер-гинеколог. Сизга ростини айтсам, фарзандларим томонидан ташлаб қўйилганман. Бирор марта келиб аҳволинг қалай, деб сўрашмайди. Яхшиямки, меҳр шафқатли одамлар бор экан, ёлғизлатиб қўйишмаяпти...

Наҳотки юқоридаги шахслар ўз ота-онаси олдидаги муқаддас фарзандлик бурчини унутиб қўйишган бўлишса? — Улар ҳам умид билан фарзанд ўстиришаётгандир...

А. ҚУЛДОШЕВ.

СЕРЖИЛО СЎЗАНАЛАР

Ғиждувон районидаги машиний хизмат кўрсатиш бошқармаси қошидаги патдўзлик цехи ишчилари қисқа муддат ичида буюртмачилар эътиборини қозонишди. Улар эндиликда сўзана, белбоғ, чопон, кўйлакларни зарҳал иплар билан жилолантириб беришяпти.

Аслида мазкур цехнинг очилишига шу соҳанинг моҳир устаси Сурия Аҳмедова сабабчи бўлганди. У патдўзлик цехи барпо этиш таклифи билан бошқарма раҳбарларига учрашиб, ниятига етди. Тез орада Ғиждувон колхоз бозори ҳовлисидан жой ажратилди. Керакли ускуналар ўрнатилиб, тўрт нафар аёл ишга олинди. Бугунги кунда цех ишчилари ўн нафардан ошиб кетди.

Ҳозир Меҳринисо Рашидова, Моҳира Шамсиева, Дилбар Неъматова, Раъно Файзиева сиғари чеварлар газламаларга сифатли жило бериб, ойига 250—300 сўмлик иш бажаришяпти. Ишчилар шу йилнинг дастлабки квартали режасини ҳам 105,2 фоизга уддалаб, буюртмачилар ҳурматига сазовор бўляпти.

Цех етакчиси С. Аҳмедова эса патдўзлик сир-асрорларини ёш қиз-жувонларга пухта ўргатишдан чарчамаяпти.

Т. МАҚСУДОВ, Бухоро вилояти.

САХОВАТ

Райондаги «СССР 60 йиллиги» совхози директори Ю. Қизтуғановнинг заёмига 5 минг сўм пул ютуғи чиқди. У ютуқни кўпчилик билан баҳам кўришга аҳд қилди. Ютуққа чиққан пулдан 100 сўмини Тинчлик фондига, 100 сўмини болалар фондига юборди. Шунингдек, совхоз ҳудудида яшовчи кекса онахон ва оталарга, қаровчисиз қолган хонларга, кишиларга, кам даромадли оилаларга 100 сўмдан пул берди. Бундан ташқари у Наврўз байрами кунлари совхоз меҳнаткашларига, уруш ва меҳнат ветеранларига 100 сўмдан пул тарқатди.

М. АЗИЗОВА, Қонимех райони.

Шундайлар бор бўлсин

Ташвишли хабар

Булуқтур районидаги Беруний номли совхозда марказий ремонт устахонаси ишга туширилганда ҳаммадан ҳам созловчилар қувонишганди. Чунончи уларнинг йиллар мобайнидаги орзулари рўёбга чиққан, машина ва механизмларни ўз вақтида сифатли ремонт қилиш учун имконият яратилганди-да!

Аммо уларнинг қувончлари узоққа чўзилмади. Бино фойдаланишга топширилгандан сўнг икки ой ўтмасдан қулаб тушди.

Аниқланишича, марказий ремонт устахонасини Жомбойдаги механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишган. Қурилишга хўжалик кассасидан 29 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган экан.

Суратларда: икки ойда эр билан яксон бўлган марказий устахона бинолари акс этгирилган.



Сураткаш Т. ДАВЛАТОВ.

ҲИММАТ

● Жумҳурият олимлари 30 минг сўм

● «Наврўз» совхози 40 минг сўм

● «Ангрензолото» корхонаси 20 минг сўм

Пойтахт областининг Ангрен шаҳри Жигаристон қишлоғида юз берган офат туфайли у ерда шикастланган аҳоли учун уй-жой бинолари қуриш мақсадида очилган ҳисобга ҳиммат пуллари келиб тушмоқда.

Турсун РАШИДОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика илмий-муҳандислар жамиятлари бошқарувининг раиси:

— Жигаристон қишлоғида юз берган табиий офат оқибатларини тугатишда яқиндан маънавий ва амалий ёрдам бериш ҳар бир кишининг шарафли бурчидир. Бошқарувимизга қарашли жамиятлардан тўпланган маблағ ҳисобига Ангрендаги қурилиш банки счётига 30 минг сўм пул ўтказдик. Бу ишларни амалга оширишда идорамизнинг бош бухгалтери Д. Ҳожимуҳамедова ҳамма ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирди. Бундан ташқари республикамиз олимлари Ангрен шаҳри саноати ва умумий халқ хўжалигини яхшилашда яқиндан илмий ёрдам кўрсатишга ҳозирлар.

Раъно ШОКИРОВА, Ангрен шаҳар давлат банкининг бошқарувчиси:

— Бизнинг идорамизга қарашли қурилиш банки қошида ишлаб турган 000700752 ҳисобга республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида мадад пуллари ўтказилмоқда. Диёримизнинг бундай серҳиммат кишиларидан миннатдармиз. Бугун Қашқадарё вилоятининг Китоб районидан хушхабар олдик. Ноҳиядаги «Наврўз» совхозининг аъзоларидан бизнинг ҳисобимизга 40 минг сўм пул ўтказишибди.

● Ангрен шаҳридаги бир қатор корхоналар, муассасалар, кооперативлар ҳам ўзларининг офатдан зарар кўрган кишилар билан ҳамдард эканликларини маълум қилиб, юқоридаги ҳисобга пул ўтказишмоқда. Шаҳримиздаги «Ўзбекрезинатехника» корхонаси 5 минг сўм, «Весна» кооперативи 1 минг сўм, автомобиль ремонти заводи 5 минг сўм, тара-ремонт корхонаси 10 минг сўм, «Ангрензолото» кони 20 минг сўм пул ўтказди. Ҳозиргача ҳисобимиздаги пулларнинг умумий миқдори 100 минг сўмдан ошиб кетди.

* * *

Кеча Жигаристон клубида табиий офатдан ҳалок бўлганлар ҳотирасига атаб етти кунлик маъракa ўтказилди.

Бу тадбирда Бухоро вилоятининг Конимех ноҳияси хўжаликлари қатнашдилар. Минглаб ангренликлар учун дастурхонлар ёзилди. Шаҳар масжиди имоми Сиддиқ Хожи Фазилжонов шаҳид бўлганлар ҳотираси ҳақида гапирди.

А. ПУЛАТОВ.

СПОРТ

ОҒИР АТЛЕТИКА:

САРАЛАШ БАХСИДА

● Чирчиқ шаҳрида СССР халқлари спартакиадасига номзодларни саралаш мақсадида жумҳурият биринчилиги ўтказилди. Спартакиадага шайланаётган полвонлар маҳорат кўрсатиб, мутахассислар эътиборини қозонишга уриндилар. Чунончи, чирчиқлик А. Бабий билан А. Шмиглов, Тошкент вилояти полвонларидан Р. Шокиров, В. Ни, Р. Мансуровлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Нукуслик С. Сирцов ҳам ўзини кўрсатди. Фарғоналик В. Манушев билан самарқандлик В. Янскийларнинг мусобақага пухта ҳозирлик кўришгани маълум бўлди.

СПОРТПРОГНОЗ

● **18-ТИРАЖ ўйинларида қўйидаги натижалар қайд қилинди: 1—2, 2—1, 3—Х, 4—Х, 5—2, 6—2, 7—Х, 8—Х, 9—2, 10—1, 11—Х, 12—1, 13—Х. Эслатма: 1 рақам жамоалар жуфтлиги, иккинчиси учрашувлар натижаси.**

Турсунбой ЛАТИПОВ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сирдарё вилоят Боёвут районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг собиқ раиси Турсунбой Латипов узоқ давом этган касалликдан сўнг 71 ёшида вафот этди.

Т. Латипов 1920 йил 8 мартда Ховос районида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1937 йилда қишлоқ мактабининг ўқитувчилигидан бошлади. 1938-1941 йилларда Фрунзе номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи бўлиб ишлади. 1941 йилда кўнгилли бўлиб фронтга кетди ва 1946 йилгача Совет Армияси сафларида бўлди. Кейин Ховос районида санаторий директори, Ховос район партия комитетининг инструктори бўлиб ишлади. 1947 йилдан 1990 йилгача Боёвут районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигига узлуксиз раислик қилди.

Т. Латипов Мирзачўлни ўзлаштиришга, иқтисодиётнинг деҳқончилик шўъбасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, ҳақли равишда меҳнаткашларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг, вилоят, район ва қишлоқ Советларининг депутати этиб, шунингдек, район, вилоят партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хизматлари ва эришган ютуқлари учун унга 1957 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. У Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, учта Қизил Юлдуз ордени, СССР нишонлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришининг истеъдодли ташкилотчиси, принципиал коммунист Турсунбой Латиповнинг ёркин хотираси қалбларимиздa абадий сақланиб қолади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

13—19 май

ҲАР КУНИ

● 8.00 «СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ» (шанба ва якшанбадан ташқари, ЎзТВ I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ I).

● 22.00 да ўзбек тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «ТОНГ» мусиқий кўрсатуви (МТ I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «ВРЕМЯ» программаси.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30 — ҳар куни. МТ I).

● 8.00 да ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ (МТ II орқали, якшанба куни «ЗАРЯДКАГА САФЛАНИНГ».

● 19.30 да «ХАЙРЛИ ТУН, КИЧКИНТОЙЛАРІ» (МТ II).

13, душанба

● ЎзТВ I

16.55 Янгиликлар. 17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Киев). Танаффус пайтида мультфильм. 18.50 «Лайли ва Мажнун» операсидан ария ва дуэтлар. 19.45 Нилуфар. «Дил рози». 21.15 Тижорат хабарлари. 21.20 «Қўшиқ рақса уланса». 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 22.40 «Оила».

● ЎзТВ II

19.00 «Ассалому алайкум» 20.00 «Спринт». 20.15 «Ғўзаликнинг яратувчи». Телефильм. 21.15 «Ўтмиш ва бугун». 22.00 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм, 1-серия.

● МТ I

18.00 ТСН. 18.15 «Оддий японлар». 18.45 «Мулоқот». 19.00 «Мастер ва Маргарита». Фильм-спектакль. 21.15 Мастер ва Маргарита» фильм-спектаклининг давоми. 23.05 «Меридиан». Халқаро янгиликлар. 23.25 «Голландияда бир ой». Мусиқий-публицистик видеофильм.

● МТ II

18.30 Бокс. Европа чемпионати. 21.15—23.15 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали.

14, сешанба

● ЎзТВ I

8.10 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт. 8.40 «Танҳо сузиш». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Тележарида. 10.40 «Келажакка умид» Телефильм. 11.10 Саид Аҳмад. «Куёв». Спектакль. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун концерт. 19.10 Халқаро ҳаёт. 19.50 «Кирди кўклам кўнглима». Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.15 «Ижод саҳифалари». Носир Фозилов. 22.20 «Спортлото». 22.25 Ёш мақом ижрочилари 1-регионал танлови ғолибларининг концерти.

● ЎзТВ II.

19.00 «Елкан». Телефильм. 19.15 «Навоийхонлик». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Шаҳар муаммолари». 21.15 «Чорраҳа». 22.00 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм, 2-серия.

● МТ I.

8.30 Долзарб репортаж. 8.50 Т. Вольская чалади (домра). 9.00 Болалар соати. 10.00 «Мастер ва Маргарита». Фильм-спектакль. 11.45 «Мастер ва Маргарита» Фильм-спектаклнинг давоми. 14.45 «Олег ва Айна» Бадиий фильм. 16.05 «Қизиқувчилар олами». 16.20 К. Вебер. «Оберон». 16.30 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.00 «Истеъдодлар ва мухлислар». 18.00 ТСН. 18.45 Сиёсий мулоқотлар. «Вазият». 18.45 Ишчан чопар. 19.00 Мультфильм. 19.10 «Ёшлар учун эрмаклар». Бадиий фильм. 21.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.10 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.40 «Меридиан». Халқаро янгиликлар. 24.00 «Олимпия» спорт комплексида В. Пресняков концерти.

● МТ II

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 13.45 «Инспектор Лосев». Бадиий фильм, 1-серия. 14.50 «Сизга ветеранлар...» «Солдат ёдномалари». Телефильм. 18.45 Бадминтон. Европа чемпионати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Оламнинг турфа овозлари». 21.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 22.15—23.45 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 23.45 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Спартак («Владикавказ»). 01.30 Фильм-концерт.

15, чоршанба

● ЎзТВ I.

8.10 «Олянга аталган гуллар». Бадиий фильм. 9.40 «Баҳодир». Телефильм. 10.40 «Адолат ва жароҳат». Видеоканал. 11.15 «Ёшлик» студияси савол-ларингизга жавоб беради. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Қувноқлар даврасида». 18.55 Футбол майдонларида. 19.50 Тижорат хабарлари. 20.00 «Мувозанат». 21.15 «Навоий гулшани». 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 22.40 «Санъат усталари». Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова.

● ЎзТВ II.

19.00 «25 йилдан сўнг». Телеочерк. 19.50 «Мусиқий дақиқалар». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 Катталар учун мультфильмлар. 21.15 «Театр учрашувлари». 22.05 «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм.

● МТ I.

8.30 Ишчан чопар. 8.50 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 10.20 «Истеъдодлар ва мухлислар». 11.20 Мультфильм. 11.45 «Ёшлар учун эрмаклар». Бадиий фильм. 13.05 «Қарзни тўлаш пайти». Ҳужжатли фильм. 13.30 «Парадиз-коктейл». 14.45 «Кутилаётган чавандоз». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 17.00 «Қизиқувчилар олами». 17.15 «Булгаковча Рождество таъбири». Телефильм. 17.45 Болалар соати. 18.45 «Капитализм инсоний қиёфада?» Телеочерк 19.20 Қадимий романсларни И. Кобзон ижро этади. 19.35 «Викария уйидаги қотиллик». Бадиий фильм, 1-серия. 21.15 «Викария уйидаги қотиллик». Бадиий фильм, 2-серия. 22.05 «Мусиқий қўрғон». 23.35 «Чао, Буйнов, чао!» 23.55 «Кассилик тарихи». Бадиий фильм.

● МТ II.

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 11.05 «Бурда моден» таклиф этади...». 13.45 «Инспектор Лосев». Бадиий фильм, 2-серия. 18.20 Ўзбекистон телевидениесининг программаси. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 «Руслар жўнаб кетишди». 22.15 Ҳужжатли фильм. 22.30 Бегона қўнғироқ». Бадиий фильм. 23.35 «Ялта-91».

16, пайшанба

● ЎзТВ I.

8.10 «Спорт, спорт, спорт». 9.10 «Бунёдкор». 9.40 «Қора карвон». Бадиий фильм. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.40 «Бешқарсак» ансамблининг концерти. 18.10 Мультфильмлар. 18.25 «Фан ва деҳқончилик». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.45 Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази хабар қилади. 20.00 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди. 21.15 «Дил номалари». 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади, «Чархпалак». 23.05 «Экран таништиради...»

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда». 21.15 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

● МТ I

8.30 ИИВ маълумотларига кўра... 8.45 «Қайинзор шоҳид». Бадиий фильм, 1-серия. 9.40 Э. Грач чалади (скрипка). 10.30 Болалар соати. 11.45 «Чўлдаги ўтовлар». 12.10 «Сизга ветеранлар...» 13.00 «Мудофаа доктринаси нуқтаи назаридан». Ҳужжатли фильм. 14.45 «Веснухиннинг фантазиялари». 1 ва 2-сериялар. 16,50 «Ҳайём рубойилари». 18.00 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 Шеърият лаҳзалари. 19.05 «Парнас сари бир босқич». 19.30 «Қайинзор шоҳид». Бадиий фильм, 1-серия. 21.15 ИИВ маълумотларига кўра... 21.30 Опера театри олами. 22.30 «Ўз-ўзингга мадад бер» кўрсатуви саҳифаларида. 23.15 «Пи» белгиси билан». Танаффус пайтида (00.15) — «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 11.00 «Америкада ўн бир кун». 13.30 «Инспектор Лосев». Бадиий фильм, 3-серия. 14.35 Илмий-оммабоп фильм. 14.55 Ритмик гимнастика. 15.35 Р. Тазейдинов чалади (балалайка). 15.45 Америкача футбол. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Ритмик гимнастика. 21.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 22.15 — 24.00 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали.

17, жума

● ЎзТВ I.

8.10 «Азалий ва абадий чарх». «Қадрдон гўша». Телефильмлар. 8.40 «Хайр, кабутарлар». Бадиий фильм. 10.10 «Халқ куйларини қалбингда асра». Фильм-концерт. 10.40 «Қовоқбой билан Чаноқбой». Спектакль. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Қўшиғим — жон қўшиғим». 19.10 «Деҳқон юмушлари». 19.50 «Анъана этади давом». 21.15 «Маърифатнома». 22.20 Ўзбек классик куй ва қўшиқлари. 23.00 «Тинниб-тинчимас қариялар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II.

19.00 Олий милиция мактабининг оддий кунлари. 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Ҳомийлар». Телефильм. 21.15 Цирк! Цирк! Цирк! 22.00 «Бахтли одам». Бадиий фильм.

● МТ I

8.30 «Ҳайвон ўргатувчи С. Богуслаев». 8.55 «Қайинзор шоҳид». Бадиий фильм, 2-серия. 9.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.35 Илья Калер чалади (скрипка). 10.45 «Ўз-ўзингга мадад бер» кўрсатуви саҳифаларида. 11.45 «Князь Удача Андреевич». Бадиий фильм. 14.45 «Ниҳоятда зерикарли воқеа». Бадиий фильм. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Сизга ветеранлар...» «Голиблар». 17.20 Мультфильм. 17.30 «Мулоқот-анжуман». 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильмлар. 18.30 «Яқин Шарқда тинчлик барқарор топадими?» 19.00 Мухлислар эътиборида: Дмитрий Маликов. 19.30 «Қайинзор шоҳид». Бадиий фильм, 2-серия. 21.15 «ВИД» программаси. 00.15 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

● МТ II

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 11.05 «Америкада ўн бир кун». 18.30 «Майдон». 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Телефильм. 20.15 Спорт ҳамма учун. 21.15 — 22.45 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 22.45 «Ҳеч бир асоссиз». Бадиий фильм. 00.05 «Ялта-91».

18, шанба

● ЎзТВ I.

8.00 «Асслому алайкум». 9.00 «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 10.15 Спорт кўрсатувлари. 11.15 «Оналар мактаби». 11.45 Саҳна табассуми. 12.40 Алифбо сабоқлари. 13.15 Зарблар ва рақслар. Тижорат кўрсатуви. 13.55 Шеробод тонги. 18.00 Мультфильм. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 Охунжон Мадалиев ва Қиличбек Тожиевлар концерти. 21.15 Охунжон Мадалиев ва Қиличбек Тожиевлар концертининг давоми. 23.00 «Хотира». СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев.

● ЎзТВ II.

9.00 Душанба кўрсатади.

● МТ I

6.00 «Иссиқкўл ҳарорати». Телефильм. 6.20 Мультфильмлар. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 ТСН. 7.45 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.15 Дунё халқларининг ижоди. 8.45 «Ҳисоб очилади». Тадбиркорлик ва бизнес. 9.15 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестри ижро этади. 10.15 «Бугунги Туркия» 11.00 «Тонг юлдузи». 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.20 «Янги номлар». 12.50 «Ҳаммаси одамларга қолади». 14.45 Сиёсий мулоқотлар. 16.00 «Сен билан танҳо, биродар». 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Моонзунд». Бадиий фильм. 21.15 «5+». 23.05 Николай Гедд концерти. 23.55 ТСН.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.45 «Здоровье». 8.15 Мультфильм. 8.30 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 9.30 Н. Пантелеева куйлайди. 9.45 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 11.30 «Оқариб кўринар ёлғиз бир елкан». 12.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.30 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 15.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 17.00 «Оила» телекўрсатуви. 17.55 Коллаж. 18.00 Футбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Телефильм. 21.15 «Чех қўшиғи». 21.30 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 23.30 «Ялта-91». 00.45 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Локомотив».

19, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Қувноқ стартлар». 9.45 «Чиполино». Бадиий фильм. 11.05 Араб тили. 11.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 12.45 «Биргаликда куйлаймиз». 13.15 Инглиз тили. 13.45 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 18.00 Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой». 18.55 Йўлдош Охунбобоев номли жумҳуриятчиббиёт билим юрти — 70 ёшда. 19.45 «Оламга саёҳат». 21.15 Мусиқий кўрсатув. 22.20 Деҳқон ва замин. 23.00 Мусиқий кўрсатувининг давоми.

● ЎзТВ II

9.00 Душанба кўрсатади.

● МТ I

6.00 «Ижрачилар». Телефильм. 6.30 «Тонг юлдузи». 7.30 ТСН. 7.45 «С» формуласи». 8.15 «Спортлото». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.30 «Қишлоқ янгиликлари». 13.30 «Мусиқий киоска». 14.00 «Веди». 14.45 «Янги авлод танлайди». 16.00 «Бақалоқ ва Қилтириқ (Индонезия). 16.05 Якшанба концерти. 17.40 «Уолт Дисней таништиради...». 18.30 Галина Беседина куйлайди. 18.55 «Дайди автобус». 21.15 «Хронограф». 21.30 Жаҳон чемпиони унвони учун профессионал боксчиларнинг матчлари. 22.30 «Комедиант бошпанаси». 23.35 ТСН.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Мультфильм. 8.05 «Биз яшаётган олам». 8.45 Спорт кўрсатувлари. 9.45 «Европанинг маданий марказлари». 15.00 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича халқаро мусобақалар. 15.30 «Планета». Халқаро программа. 16.30 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 18.30 Муаллифлик телевидениеси. 20.00 Муаллифлик телевидениеси (давоми). 21.15 Катталар учун мультфильмлар. 21.30 Ўзбекистон телевидениесининг видеоканали. 23.30 «Ялта-91». 00.50 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: давлат тарихи ва ҳуқуқ;

профессорлар: ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, фалсафа-иқтисод факультетида фалсафа, рус адабиёти, педагогика;

доцентлар: фалсафа-иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, фалсафа-иқтисод факультетида фалсафа (2), кимё фанини ўқитиш услубиёти, физикавий кимё, рус адабиёти (2), педагогика;

катта ўқитувчилар: коллоидли кимё, туркий филология, чет эл адабиёти, дин ва атеизм тарихи ва назарияси, давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши, квантли радиофизика, 2-жисмоний тарбия, ижтимоий факультетларда инглиз тили (3);

ўқитувчилар: табиий факультетларда немис ва француз тиллари (0,5 ўрин), ижтимоиёт, ижтимоий факультетларда инглиз тили (4), 2-жисмоний тарбия (2).

ШАРҚШУНОСЛИК ИЛМГОҲИ БЎИИЧА:

мудир: афғон филологияси;

доцентлар: Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи (2);

катта ўқитувчи: олтой тиллари.

Танлов муддати — 28 майгача.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 95-алоқа бўлими, маъмурий бино, 6-қават, кадрлар бўлими, 63-хона. Телефон: 46-54-64.

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ИДОРАСИ «ШАРҚ-ФИЛЬМ» — «ПАРИТЕТ» ИЖОДИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎЗБЕКИСТОН ЭКРАНЛАРИГА

2 ҚИСМДАН ИБОРАТ «ЖУНГЛИ ҚОНУНИГА БИНОАН» («ОВЧИ») ТОМОША-ФИЛЬМИ ПРЕМЬЕРАСИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

«ШАРҚ-ФИЛЬМ» — «ПАРИТЕТ» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси: (СССР) **«ИГЛФИЛЬМЗ» — (Ҳиндистон)**

Постановкачи режиссёрлар: ЛАТИФ ФАИЗИЕВ, УМЕШ МЕҲРА.

Бош ролларда: МИТХУН ЧАКРАБОРТИ ва цирк маликаси ИРИНА КУШНАРЕВА.

ШУНИНГДЕК СИЗЛАРНИ ЦИРК, СЕВГИ-МУҲАББАТ ҚУШИҚ ВА РАҚСЛАР, ГИЕҲВАНДЛАР, ҚУВЛАШМАЧОҚ, МУШТЛАШИШЛАР ВА БОШҚА ТУРЛИ САРГУЗАШТЛАР КУТАДИ.

«СРЕДАЗНИПИНЕФТЬ» ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТ НЕФТЬ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИЛМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: бурғулаш техникаси ва технологияси лабораторияси;

мудир: қатлам литологияси ва физикаси сектори.

Танловда илмий даражаси бўлган фан докторлари ёки номзодлари, шунингдек улкан ишлаб чиқариш тажрибасига ва илмий асарлар ёки кашфиётларга эга бўлган олий маълумотли, юксак малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Танлов муддати — 18 майгача.

Ҳужжатлар, танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин. 700047, ГСП, Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Охунбобоев кўчаси, 21-уй.

Телефон: 32-15-87.

БУТУНИТТИФОҚ ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИДАГИ РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИЛМГОҲИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

«Меҳнатни ташкил қилиш, нормалаш ва ҳақ тўлаш» курсининг катта ўқитувчиси бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — 17 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700031, Тошкент шаҳри, Баранов кўчаси, 40-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-03-16, 56-12-30.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

бўлимлар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

дерматология: кичик илмий ходим (илмий даражасиз), тажрибавий бўлинмага;

жинсий йўл билан ўтувчи касалликлар: кичик илмий ходим (илмий даражасиз), клиника бўлинмасига.

Танлов муддати — 16 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 3-уй.

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЕТГАН ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент политехника олий билимгоҳининг

САНОАТ-ФУҚАРО ҚУРИЛИШИ КУЛЛИЁТИ САНОАТ ВА ФУҚАРО ҚУРИЛИШИ, ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ ИХТИСОСЛАРИ БЎИИЧА

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЕТГАН I—V КУРС ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЁЗГИ ИМТИҲОН СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

СЕССИЯ

II курсда — 13 майдан 26 майгача;

III курсда — 13 майдан 23 июнгача;

IV курсда — 3 июндан 23 июнгача;

V курсда — 10 июндан 30 июнгача.

ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти З. Ҳидоятова ўғли

Санъон СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон шаҳар қурилиши бўйича илмий-текшириш ва лойиҳалаш илмгоҳи жамоаси илмгоҳ меъморчилик-қурилиш бўлими бошлиғи Ў. Ҳ. Илҳомова отаси

Ҳасан ИЛҲОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмгоҳи жамоаси бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор М. И. Исроиловга акаси

Аҳмаджон ИСРОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари олий билимгоҳи ректорати, фирқа комсомол ташкилотлари ва касаба уюшмаси «АНТЭР» кафедраси ассистенти Ж. Нарзиевга отаси

Пайғам НАРЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 88. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12